

2288061

№198 сонли ШАРТНОМА

\_\_\_\_\_ шаҳри (тумани) 2021-йил «01» июл  
Республика ихтисослаштирилган Кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Урганч филиали номидан Низом асосида фаолият юритувчи

(муассаса номи)

Сагиров А. М. (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади)

(Ф.И.Ш.)

бир томондан ва "Домла Бекжон" оилавий кархонаси номидан Устав (ишончнома) асосида

(ташкилот номи)

фаолият юритувчи директор Юлдашев Ойбек Икрамович (кейинги ўринларда (Ф.И.Ш.)

Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачини миқдорларни сифатли озик-овқат маҳсулотларидан тайёр иссиқ овқат билан таъминлаш

(аутсорсерга ўтказилган хизмат номи)

ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2021 йил «01» июлдан.

2021 йил «31» декабр гача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

### II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш қилиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсернинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал

килмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, кўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудда одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзоладиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

### **III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби**

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 610 296 720 (олти юз ўн миллион икки юз тўқсон олти минг етти юз йиғирма) сўмни ташкил этади, шундан олдиндан тўлов 30 фоиз.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи қундалиқ буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган. Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда





ТАСДИКЛАЙМАН»

РИКИАТМУрганч филиали директори

Сагиров А.М

РИКИАТМУФнинг 02.02.2021 йилда тасдиқланган 19-И сонли буйруғига асосан ташкил топган доимий фаолият юритаётган куйидаги таркибдаги комиссиясининг;

№ - 19 сонли БАЁННОМАСИ

«01» июл 2021 йил

Урганч шаҳри.

Баҳолаш комиссияси аъзолари катнашди.

Комиссия раиси: директор уринбосари  
Комиссия азолари КУК Раиси  
Хужалик ишлари мудир  
Бош ҳисобчи  
Бош хамшира  
Маъсул котиба

Корабоев.О.К  
Оллаберганов О.  
Олимов Х  
Худайберганова.Г.Ю  
Бекчанова М  
Абдуллаева Ё

### КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-472-сонли "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сонли "Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 20 январдаги 11-сонли буйруғи ҳамда Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2020 йил 23 апрелдаги 1/1627-сонли хатиларига асосан марказимизда 115 ўринга бир кунда уч маҳал (эрталабки нонушта, тушлик ва кечки овкат) сифатли озик-овкат маҳсулотларидан тайёр иссик овкатни 24 400 сўмдан таёрлаб бериш учун энг яхши таклифларни танлаш.

1. Кун тартибидаги масала юзасидан баҳолаш комиссияси куйидаги оферентларнинг вакиллари иштирокида: сифатли озик-овкат маҳсулотларидан тайёр иссик овкат таёрлаб бериш учун энг яхши таклиф буйича талабгорларнинг такдим этилган пакетлари очилди.

| № | Талабномани такдим этган ташкилотлар номи | ИНН (ижрочилар) | Почта манзили  | Танловда катнашган оферентлар вакилининг исми, шарифи |
|---|---|-----------------|--|---|
| 1 | "Бахт барака" МЧЖ                         | 305876797       | Урганч ш. Хонка к. 20-а уй (marhamat_@mail.ru)                       | Самандарова Мархамат                                  |
| 2 | "Домла Бекжон" ОК                         | 306299350       | Урганч т. Юкори боғ ҚФЙ Юкорибоғдорчи маҳалласи (oybek1984@umail.uz) | Юлдашев Ойбек   |
| 3 | "INTER PRODUCT TA'MINOT" МЧЖ              | 308237766       | Урганч т. Ғалаба ҚФЙ Нурли ҳаёт к. 38 уй (1234@umail.uz)             | Матниязов Анвар                                       |

2. Сифатли озик-овкат маҳсулотларидан тайёр иссиқ овкат таёрлаб бериш учун энг яхши таклиф бўйича талабгорларнинг такдим этилган оферталарни куриб чиқиш натижасида қуйидагилар аниқланди:

“Бахт барака” МЧЖ - ҳужжатлари тулик ҳажмда такдим қилинган;

“Домла Бекжон” ОК - ҳужжатлари тулик ҳажмда такдим қилинган;

“INTER PRODUCT TA'MINOT” МЧЖ - ҳужжатларни тулик ҳажмда такдим қилинган

Танлов комиссияси иштирокчиларининг таклифларини урганиб чиқиб, уларни қуйидагича эълон қилинди:

“Бахт барака” МЧЖ таклиф нархи – 24 300 сўм, йил охиригача 514 188 000 сўм 20 фоиз устама ҳакни ҳисобга олган ҳолда жами 617 025 600 сўмни ташкил қилади,

“Домла Бекжон” ОК таклиф нархи – 24 035 сўм, йил охиригача 508 580 600 сўм ва 20 фоиз устама ҳакни ҳисобга олган ҳолда жами 610 296 720 сўмни ташкил қилади,

“INTER PRODUCT TA'MINOT” МЧЖ таклиф нархи – 24 150 сўм, йил охиригача 511 014 000 сўм ва 20 фоиз устама ҳакни ҳисобга олган ҳолда жами 613 216 800 сўмни ташкил қилади.

Сифатли озик-овкат маҳсулотларидан тайёр иссиқ овкат таёрлаб бериш учун энг яхши таклиф буюртмачи томонидан аниқланган бошланғич қиймати пакетлар очилгандан кейин ўқиб эшиттирилди:  
- бошланғич қиймати келишилган нархларда - 24 400 сўмдан жами йил охиригача 516 304 000 сўм

Баҳолаш комиссияси аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб ва ўрганиб чиққан ҳолда,

Қарор қилади:

Қарор қилади:

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори 2-илоvasи 2-боб 7-бандига ва 3-боб 9-бандига асосан “Домла Бекжон” ОК таклиф нархи – 24 035 сўм жами йил охиригача 508 580 600 сўм таклифи энг маъқул ва мақсадга мувофиқ деб топилсин ва бу оферент сифатли озик-овкат маҳсулотларидан тайёр иссиқ овкат таёрлаб бериш учун энг яхши таклиф ғолиби деб эълон қилинсин ва 20 фоиз устама ҳакни ҳисобга олган ҳолда жами 610 296 720 сўмни ташкил қилади.

Овозга қўйиш натижаларига кура:

Тарафдорлар - 5  
Қаршилар - йўқ  
Бетарафлар - йўқ

2. Буюртмачига танлов ғолиби билан ўрнатилган тартибда шартнома тузиш юклатилсин.  
Баҳолаш комиссиясининг танлов ғолибини баҳолаш баённомаси савдо иштирокчиларига ўқиб эшиттирилди ва унинг тузилиши туғри деб топилди.

Комиссия раиси: директор уринбосари  
кенгайтириш масалалари буйича ерданчиси  
Комиссия аъзолари КУК Раиси  
Хужалик ишлари мудир  
Бош ҳисобчи  
Бош ҳамшира  
Маъсул котиба

Корабоев.О.К

Оллаберганов О.

Олимов Х

Худайберганава.Г.Ю

Бекчанова М

Абдуллаева Ё

## ҚЎШИМЧА КЕЛИШУВ №1

«1» январ 2022 йилдаги №198-сонли шартномага

«1» январ 2022 й.

Урганч ш.

РИКардиология ИАТМУФ кейинги ўринларда «Буюрмаачи» деб номланувчи, низом асосида фаолият кўрсатувчи рабари Сагиров.А. бир томондан ва Домла Бекчон О.К кейинги ўринларда «Аутсорсер» деб номланувчи низом асосида фаолият кўрсатувчи рабари Йулдашев О иккинчи томондан, 2021йил «1» июл даги №198- сонли шартномага қўшимча туздилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сонли қарори 2-илоvasи Ўзбекистон Республикаси Сўғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМнинг 3-боб 11-қисмига асосан Аутсорсинг хизматини кўрсатиш бўйича шартнома буюртмачи ва аутсорсер ўртасида календарь йил учун ушбу Низомга 2-иловада келтирилган аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича намунавий шартномага мувофиқ икки нусхада тузилади. Бунда, аутсорсер томонидан шартнома шартларининг тўлиқ бажарилиши ва буюртмачининг харажатлар сметасида ажратилган маблағ аутсорсерни қоникпирган тақдирда, томонларнинг келишувига кўра шартнома муддати навбатдаги календарь йил учун узайтирилиши мумкинлигидан келиб чиқиб мазкур шартноманинг 1.3-бандида амалқилиш муддати 2022 йил 30 июнгача узайтирилишига келишилди.
2. 2022 йил мижозларни оват билан таъминлаш учун умумий 586440000(беш юз саксан олти миллион турт юз кирк минг) сўмни ташкилқилади, қолган 586440000(беш юз саксан олти миллион турт юз кирк минг) сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўланишга келишилди.
3. Шартноманинг қолган шартлари 2021йил «1» июл даги №198- сонли шартнома асосида юритилади.

Ушбу шартнома иккала томон учун бир хил юридик кучга эга бўлиб, 2021йил «1» июл даги №198- сонли шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

### Томонларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

|           |                                      |
|-----------|--------------------------------------|
| Манзили:  | Манзили:                             |
| Тел/факс: | Тел/факс:                            |
| х/р:      | х/р:                                 |
| ИНН:      | ИНН:                                 |
| ОКОНХ:    | ОКОНХ:                               |
| Банк:     | Банк:                                |
| МФО:      | МФО:                                 |
|           | Ягона газна х/р 23402000300100001010 |
|           | Марказий банк Тошкент.ш.ХККМ         |
|           | МФО 00014      ИНН 201122919         |

М.Ў.

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

(имзо)

(Ф.И.О.)

Хуқуқшунос:

(имзо)

(Ф.И.О.)

АДВОКАТ

1-сонли шартномага ИЛОВА

**ШАРТНОМАНИНГ ПРОГНОЗ СУММАСИ**

| T/p | Ойлар               | Ойдаги кунлар сони | Ўлчов бирлиги | Хизмат бирлиги учун нарх (сўм) | Хизмат бирлик лари сони | Жами сумма ҚҚС сиз (сўм) | Уста ма | Жами сумма устам билан |
|-----|---------------------|--------------------|---------------|--------------------------------|-------------------------|--------------------------|---------|------------------------|
| 1.  | Январь              | 31                 | Порце         | 23000                          | 120                     | 85560000                 | 4000    | 100440000              |
| 2.  | Февраль             | 28                 | Порце         | 23000                          | 120                     | 77280000                 | 4000    | 90720000               |
| 3.  | Март                | 31                 | Порце         | 23000                          | 120                     | 85560000                 | 4000    | 100440000              |
| 4.  | Апрель              | 30                 | Порце         | 23000                          | 120                     | 82800000                 | 4000    | 97200000               |
| 5.  | Май                 | 31                 | Порце         | 23000                          | 120                     | 85560000                 | 4000    | 100440000              |
| 6.  | Июнь                | 30                 | Порце         | 23000                          | 120                     | 82800000                 | 4000    | 97200000               |
| 7.  | Июль                | 31                 | Порце         |                                |                         |                          |         |                        |
| 8.  | Август              | 31                 | Порце         |                                |                         |                          |         |                        |
| 9.  | Сентябрь            | 30                 | Порце         |                                |                         |                          |         |                        |
| 10. | Октябрь             | 31                 | Порце         |                                |                         |                          |         |                        |
| 11. | Ноябрь              | 30                 | Порце         |                                |                         |                          |         |                        |
| 12. | Декабрь             | 31                 | Порце         |                                |                         |                          |         |                        |
|     | <b>Жами суммаси</b> |                    |               |                                |                         |                          |         | 586440000              |



«Аутсорсер»

**АДВОКАТ**

*Handwritten signature of the lawyer*

«Буюртмачи»



| Тавар (иш, хизмат) тури                      | Ойлар | Ойдаги кунлар сони | Ўлчов бирлиги | Хизмат бирлиги учун нарх (сўм) | Хизмат бирлик лари сони | Жами сумма ҚҚС сиз (сўм) | 20 фоиз устама ҳақни | Жами сумма 20 фоиз устама ҳақ билан |
|--|-------|--------------------|---------------|--------------------------------|-------------------------|--------------------------|----------------------|-------------------------------------|
| Тайёр иссиқ овқат таёрлаб бериш (бюджет)     | 6     | 181                | Порце         | 3000                           | 120                     | 65160000                 | -                    | 65160000                            |
| Тайёр иссиқ овқат таёрлаб бериш (вне.бюд ж.) | 6     | 181                | Порце         | 23000                          | 120                     | 449560000                | 4000                 | 586440000                           |



«Буюртмани»  
 \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_

АДВОКАТ  
*Handwritten signature*

